

## VIII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК



2020 йилнинг январь-мартида 23,3 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоизга камайди.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (39,9 %), саноат соҳасида (18,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (11,3 %), қурилиш соҳасида (7,9 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (7,4 %), ташиш ва сақлашда (2,8 %) ташкил этилган.

### 2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да



Савдо  
39,9 %



Саноат  
18,6 %



Қурилиш  
7,9 %



Қишлоқ, ўрмон  
ва балиқ хўжалиги  
11,3 %



Яшаш ва  
овқатланиш  
бўйича хизматлар  
7,4 %



Ташиш  
ва сақлаш  
2,8 %



## 2020 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари

		2019 й	2020 й	(+;-)
--	--	--------	--------	-------

<b>Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони</b>	<b>бирлик</b>	<b>289659</b>	<b>352167</b>	<b>62508</b>
---	---------------	---------------	---------------	--------------

<b>Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар</b>	<b>бирлик</b>	<b>30442</b>	<b>23320</b>	<b>-7122</b>
---	---------------	--------------	--------------	--------------

*Кичик тадбиркорликнинг улушлари:*

ЯИМ	%	45,5	45,8	0,3
Саноат	%	27,3	28,7	1,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	97,1	97,3	0,2
Инвестиция	%	38,6	54,6	16,0
Қурилиш	%	71,8	72,3	0,5
Савдо	%	85,2	85,0	-0,2
Хизматлар	%	53,6	51,3	-2,3
Юк ташиш	%	43,9	42,5	-1,4
Юк айланмаси	%	75,4	73,9	-1,5
Йўловчи ташиш	%	90,4	89,4	-1,0
Йўловчи айланмаси	%	94,9	94,2	-0,7
Экспорт	%	26,6	27,4	0,8
Импорт	%	62,1	58,1	-4,0



**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича  
янги ташкил топган жами кичик корхона  
ва микрофирмаларнинг улуши, % да**



2020 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар ҳудудлар бўйича энг кўп Тошкент шаҳрида - 4460 та, Самарқанд вилоятида - 2293 та, Тошкент вилоятида - 2244 та, Андижон вилоятида - 1829 та, Хоразм вилоятида - 1633 та, Наманган вилоятида - 1626 тани ташкил этган. Энг паст кўсаткични Жиззах вилоятида - 914 тани ташкил этган.



**Ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона  
ва микрофирмалар, бирликда**

	2019 й. январь-март	2020 й. январь-март	(+;-)
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>30 442</b>	<b>23 320</b>	<b>-7 122</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 280	924	-356
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	1 741	1 829	88
Бухоро	2 182	1 263	-919
Жиззах	1 309	914	-395
Қашқадарё	1 802	1 209	-593
Навоий	889	1 209	320
Наманган	2 078	1 626	-452
Самарқанд	2 940	2 293	-647
Сурхондарё	1 617	1 277	-340
Сирдарё	789	1 003	214
Тошкент	2 856	2 244	-612
Фарғона	2 851	1 436	-1 415
Хоразм	1 804	1 633	-171
Тошкент ш.	6 304	4 460	-1 844

2020 йилнинг январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода – 9312 та, шунингдек :

саноатда – 4345 та;  
қурилишда – 1844 та;  
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 2637 та;  
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 1724 та.




**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича  
энг юқори кўрсаткичга эга бўлган  
шаҳар ва туманлар, бирликда**

	2019 йил январь- март	2020 йил январь-март	фарқи(+;-)
Чилонзор тумани	773	572	-201
Учтепа тумани	1102	567	-535
Самарқанд шаҳри	972	536	-436
Юнусобод тумани	675	533	-142
Андижон шаҳри	522	485	-37
Мирзо-Улуғбек тумани	496	472	-24
Шайхонтоҳур тумани	616	455	-161
Олмазор тумани	841	415	-426
Наманган шаҳри	597	375	-222
Бухоро шаҳри	625	346	-279


2020 йил январь-март ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг кўпи Чилонзор туманида – 572 та, Учтепа туманида - 567 та, Самарқанд шаҳрида - 536 тани ташкил этди. Юнусобод туманида – 533 та, Шайхонтоҳур туманида – 455 та, Олмазор туманида - 415 та, Наманган шаҳрида 375 та, Бухоро шаҳрида бу кўрсаткич 346 тани ташкил этди.



Янги ташкил этилган корхоналар бўйича  
энг юқори ўринга эга бўлган  
шаҳар ва туманлар, бирликда



2020 йилнинг январь-мартда Ўзбекистон Республикасида  
кичик тадбиркорлик субъектларининг сони<sup>1)</sup>  
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда).



<sup>1)</sup> Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан биргаликда



2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сонига кўра (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 29,9 бирлик, Навоий вилоятида 19,0 бирлик, Сирдарё вилоятида 18,9 бирлик, Жиззах вилоятида 16,4 бирлик, Тошкент вилоятида 15,6 бирлик, Бухоро вилоятида 15,3 бирлик, Фарғона вилоятида 12,5 бирликни ташкил этди. Сурхондарё вилоятида 8,8 бирликка тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич энг паст бўлиб қолмоқда.



2020 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича  
кичик тадбиркорлик субъектларининг сони<sup>1)</sup>  
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда).



<sup>1)</sup> Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан биргаликда



**Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик  
субъектларининг сони энг юқори бўлган туман  
ва шаҳарлар (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)<sup>1)</sup>**



2020 йил январь-март ойларида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) Яккасарай туманида 58,0 бирлик, Бектемир туманида – 53,6 бирлик, Миробод туманида - 45,5 бирликни ташкил этди. Чилонзор туманида ушбу кўрсаткич 39,5 бирлик, Гулистон шаҳрида - 38,5 бирлик, Томди туманида - 37,5 бирлик, Қоровулбозор туманида – 36,1 бирликни ташкил этди.

<sup>1)</sup> Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан биргаликда

**Феолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони**  
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)<sup>1)</sup>



Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки Яккасарой туманида товар ва хизматларга талаб юқори бўлганлиги учун тумандаги корхоналар сони юқори ва аксинча Нарпай туманида товар ва хизматларга талабнинг пастлиги сабабли, корхоналар сони ўзгармади ва энг паст даражага тушиб кетган.

**Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушининг пасайиш динамикаси, %да**


2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 45,5 % ни ташкил қилди (2019 йилнинг январь-мартида 45,8 %). ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик улушининг пасайиши йирик корхоналар улушининг ошиши билан изоҳланади.



<sup>1)</sup> Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан биргаликда




### Кичик тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмига нисбатан % да)



Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улушининг энг кўп қисмини Жиззах (74,8 %), Самарқанд (68,9 %), Сурхондарё (67,4 %), Хоразм (65,9 %) ва Бухоро (65,1 %) вилоятлари ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич (20,9 %) энг паст бўлиб қолмоқда.



### Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича ЯҲМдаги улуши, % да (январь-март ойларида)





## 2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши, %

43,9

Қорақалпоғистон Респ.

68,9

Самарқанд

56,1

Андижон

67,4

Сурхондарё

65,1

Бухоро

59,3

Сирдарё

74,8

Жиззах

43,9

Тошкент

58,5

Қашқадарё

56,9

Фарғона

20,9

Навоний

65,9

Хоразм

65,0

Наманган

51,6

Тошкент ш.



2020 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорликни ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимидаги улуши, % да

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Инвестиция
Ўзбекистон Республикаси	28,7	72,3	51,3	54,6
Қорақалпоғистон Республикаси	19,5	89,7	53,3	62,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	19,5	96,0	65,8	80,4
Бухоро	26,4	88,6	67,2	70,5
Жиззах	53,6	99,1	60,3	89,4
Қашқадарё	34,5	89,8	68,1	16,0
Навоий	8,9	72,7	58,7	24,0
Наманган	60,3	80,6	64,5	72,0
Самарқанд	51,3	95,8	69,7	72,1
Сурхондарё	40,5	83,6	71,3	78,3
Сирдарё	36,3	97,0	55,9	59,2
Тошкент	20,8	80,8	68,7	52,4
Фарғона	36,4	94,9	69,9	69,7
Хоразм	31,4	96,2	64,6	63,4
Тошкент ш.	51,0	75,1	45,6	59,5

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши энг кўп:

**Саноатда-**

Наманган (60,3 %),  
Жиззах (53,6 %),  
Самарқанд (51,3 %),  
Тошкент ш. (51,0 %),  
Сурхондарё (40,5 %) ва  
Сирдарё (36,3 %) вилоятларида.

**Қурилишда-**


Жиззах (99,1 %),  
Сирдарё (97,0 %),  
Хоразм (96,2 %),  
Андижон (96,0 %),  
Самарқанд (95,8 %) ва  
Фарғона (94,9 %) вилоятларида.

**Хизматларда-**

Сурхондарё (71,3 %),  
Фарғона (69,9 %),  
Самарқанд (69,7 %),  
Тошкент (68,7 %),  
Қашқадарё (68,1 %) ва  
Бухоро (67,2 %) вилоятларида.

**2020 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик  
субъектлари томонидан:**

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 23630,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 28,7 %);
- 18215,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 54,6 %) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь–мартга нисбатан ўсиш суръати 126,8 % ни ташкил қилди;
- 11172,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,3 %) бажарилди ва 2019 йилнинг январь–мартга нисбатан ўсиш суръати 107,1 % ни ташкил қилди;
- 25823,7 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 51,3 % и), 2019 йилнинг январь–мартга нисбатан ўсиш суръати 105,2 % ни ташкил қилди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 85,0 % и ёки 34104,6 млрд. сўмни (ўсиш 103,5 %) ташкил қилди;
- 923,2 млн. АҚШ доллар (умумий экспорт ҳажмининг 27,4 % и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди;
- автомобил транспорти юк айланмасининг 2,8 % га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 73,9 % и) кўпайиши таъминланди;
- йўловчи айланмасининг эса 1,8 % га (умумий йўловчи айланмасининг 94,2 % и) кўпайиши таъминланди;






2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлар (товар, хизматлар) экспортининг жамига нисбатан энг кўп улуши Наманган вилоятида – 84,1 %, Хоразм вилояти – 82,9 %, Самарқанд вилоятида – 74,9 %, Сурхондарё вилоятида – 73,4 %, Сирдарё вилоятида – 67,0 %, Жиззах вилоятида – 57,1 %, Фарғона вилоятида – 51,9 % ва Андижон вилоятида – 50,9 % ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – 20,1 % ни ташкил этди.




### Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (товар, хизматлар) экспортининг жами экспортдаги улуши, % да






Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (товар, хизматлар)  
импортининг жами импортдаги улуши, % да



2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлар (товар, хизмат) импортининг жамига nisbatan энг кўп улуши Сурхондарё вилоятида – 96,1 %, Жиззах вилоятида - 96,0 %, Наманган вилоятида – 86,7 %, Самарқанд вилоятида – 77,8 %, Қашқадарё вилоятида – 76,4 %, Фарғона вилоятида – 70,9 %, Қорақалпоғистон Республикасида – 70,6 % га тўғри келади. Энг паст кўрсаткич Андижон вилоятида – 13,0 % ни ташкил этди.




2020 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик  
тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти  
ишлаб чиқариш ҳажми




Ҳудудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (7888,5 млрд. сўм), Тошкент (2891,0 млрд. сўм), Фарғона (1744,3 млрд. сўм), Самарқанд (1695,7 млрд. сўм), ва Андижон (1672,5 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Сурхондарё вилоятида (497,1 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми энг паст бўлиб қолмоқда.






2020 йилнинг январь-март ойларида жами sanoat  
маҳсулотидаги кичик тадбиркорликнинг  
ҳудудлар бўйича улуши, % да



Ҳудудлар кесимида кичик тадбир-корликнинг жами sanoat маҳсулотидаги энг юқори улуши Наманган вилояти (60,3 %), Жиззах вилояти (53,6 %), Самарқанд вилояти (51,3 %), Тошкент ш. (51,0 %), Сурхондарё вилояти (40,5 %), Фарғона вилояти (36,4 %), Сирдарё вилояти (36,3 %), Қашқадарё вилоятида (34,5 %), Хоразм вилояти (31,4 %), Бухоро вилояти (26,4 %), ҳиссасига тегишли. Навоий вилоятида (8,9 %) кичик тадбиркорликнинг улуши энг паст бўлиб қолмоқда.






2020 йилнинг январь-мартда ҳудудлар бўйича  
кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана  
товар айланмаси ҳажми ва суръати



Ҳудудлар бўйича энг кўп чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (6357,0 млрд. сўм), Тошкент (3848,6 млрд. сўм), Андижон (2848,0 млрд. сўм), Фарғона (2778,9 млрд. сўм), Қашқадарё (2775,1 млрд. сўм) ва Самарқанд (2695,8 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.



2020 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича  
кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган  
қурилиш ишлари ҳажми ва суръати




Ҳудудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (2496,1 млрд. сўм), Қашқадарё (950,3 млрд. сўм), Фарғона (939,1 млрд. сўм), Бухоро (813,9 млрд. сўм), Самарқанд (803,7 млрд. сўм), Тошкент (769,0 млрд. сўм), Андижон (759,8 млрд. сўм) ва Сурхондарё (703,2 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди.






2020 йилнинг январь-мартда ҳудудлар бўйича  
кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар  
соҳаси ҳажми ва суръати



Ҳудудлар бўйича энг юқори хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (7903,4 млрд. сўм), Тошкент (2487,3 млрд. сўм), Самарқанд (2246,5 млрд. сўм), Фарғона (2122,8 млрд. сўм), Андижон (1713,0 млрд. сўм), Қашқадарё (1543,9 млрд. сўм) ва Бухоро (1473,9 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.



2020 йилнинг I чорагида янги ташкил этилган кичик корхона  
ва микрофирмалар томонидан умумий иқтисодий вазиятни баҳолаш



- Қишлоқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Савдо
- Ташиш ва сақлаш
- Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ахборот ва алоқа
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқалар

Жорий йилнинг I чораги бўйича ўтказилган сўровномага асосан янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан билдирилган умумий иқтисодий ҳолат мезони (**қулай**, **қониқарли**, **қониқарсиз**) бўйича таҳлили:


Ушбу сўровномада 2458 та кичик корхона ва микрофирмалар иштирок этди. Уларнинг 433 (17,6%) таси иқтисодий вазиятни **қулай** деб баҳолади. 1674 (68,1%) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарли** деб баҳолаган бўлса, қолган 351 (14,3 %) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган 433 та субъектнинг 200 (46,2 %) таси савдо йўналиши, 70 (16,2 %) таси саноат йўналиши, 42 (9,7 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келган.

Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Андижон вилоятида 82 (18,9 %) таси, Тошкент вилоятида 56 (12,9 %) таси, Навоий вилоятида 53 (12,2 %) таси ва Самарқанд вилоятида 50 (11,5 %) таси иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган.



Иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган 1674 та субъектнинг 681 (40,7 %) таси савдо йўналиши, 297 (17,7 %) таси саноат йўналиши, 169 (10,1 %) таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаси, 139 (8,3 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келган.



Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳрида 394 (23,5 %) таси, Тошкент вилоятида 201 (12,0 %) таси, Самарқанд вилоятида 152 (9,1 %) таси, Андижон вилоятида 127 (7,6 %) таси ва Навоий вилоятида 115 (6,9 %) таси иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган 351 та субъектнинг 145 (41,3 %) таси савдо йўналиши, 62 (17,7 %) таси саноат йўналиши, 42 (12,0 %) таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 28 (8,0 %) таси қурилиш соҳаси ҳамда 22 (6,3 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳалари ҳиссасига тўғри келган.



Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Тошкент шаҳрида 89 (25,4 %) таси, Наманган вилоятида 46 (13,1 %) таси, Сирдарё вилоятида 28 (8,0 %) таси, Самарқанд вилоятида 28 (8,0 %) таси, Сурхондарё вилоятида 23 (6,6 %) таси, Навоий вилоятида 22 (6,3 %) ва Жиззах вилоятларида 22 (6,3%) таси иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳоланган.



2020 йилнинг I чорагида фаолият юритаётган  
кичик корхона ва микрофирмалар томонидан  
умумий иқтисодий вазиятни баҳолаш




Жорий йилнинг I чораги бўйича ўтказилган сўровномага асосан фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан билдирилган умумий иқтисодий вазият мезони (**қулай**, **қониқарли**, **қониқарсиз**) бўйича таҳлили:


Ушбу сўровномада **15777** та кичик корхона ва микрофирмалар иштирок этди. Уларнинг **4421** (28,0 %) таси иқтисодий вазиятни **қулай** деб баҳолади. **10371** (65,7 %) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарли** деб баҳолади. Қолган **985** (6,2 %) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган.

**Иқтисодий вазиятни қулай** деб баҳолаган **4421** та субъектнинг **1688** (38,2 %) таси савдо йўналиши, **823** (18,6 %) таси саноат йўналиши, **440** (10,0 %) таси қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади.


Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Самарқанд вилоятида **617** (14,0 %) та, Тошкент шаҳрида **530** (12,0 %) та, Фарғона вилоятида **503** (11,4 %) та ва Қашқадарё вилоятида **474** (10,7 %) таси қулай деб баҳолаган.



Иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган 10371 та субъектнинг 3251 (31,3 %) таси савдо йўналиши, 1995 (19,2 %) таси саноат йўналиши, 1104 (10,6 %) таси қурилиш соҳаси, 987 (9,5 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келган.



- Қишлоқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Савдо
- Ташиш ва сақлаш
- Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ахборот ва алоқа
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш




Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Тошкент шаҳрида 3090 (29,8 %) та, Тошкент вилоятида 1179 (11,4 %) та, Фарғона вилоятида 783 (7,5 %) та ва Андижон вилоятида 644 (6,2 %) та субъект иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган **985** та субъектнинг 254 (25,8 %) таси савдо йўналиши, 214 (21,7 %) таси саноат йўналиши, 112 (11,4 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 103 (10,5 %) таси қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади.



Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Тошкент шаҳрида 437 (44,4 %) таси, Тошкент вилоятида 84 (8,5 %) таси, Қашқадарё вилоятида 77 (7,8 %) таси, Фарғона вилоятида 69 (7,0 %) таси, Наманган вилоятида 58 (5,9 %) таси ва Навоий вилоятида 54 (5,5 %) та субъект қониқарсиз деб баҳоланган.



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

**Юридик шахс** – ўз мулкида, хўжалик юриетишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик** – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл кўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

**Корхонанинг фаолиятини таҳлил қилиш** – унинг асосида корхона фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш. Натижада, маълумот тўплашнинг маълум усулларида фойдаланиш орқали корхона фаолиятини баҳолаш ва заиф томонларини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш.

**Чакана савдо** – бу охирги фойдаланувчиларга товарлар ва хизматлар сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

**Улгуржи савдо** – бу катта миқдордаги товарларни сотишни ўз ичига олган иқтисодий фаолият.

**Товарларни реализация қилиш** – маҳсулотни самарали сотишга қаратилган ишлаб чиқарувчи томонидан амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

**Реклама** – бу харидорларнинг кенг доираси ўртасида маҳсулот тўғрисида маълумотни самарали тарқатиш усулига асосланган реклама воситасининг коммуникатив шакли.

**Таваккалчилик** – келажакда ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишда, қарор қабул қилишда мумкин бўлган йўқотишлар.

**Бозор** – бу савдо операцияларини амалга ошириш муносабати билан турли шахслар ўртасида шаклландиган муносабатлар тизими.